

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АРХЕОЛОГИЯ ВА БУХОРО ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

## БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ

(Энг қадимги замонлардан ҳозиргача)

*мавзусида Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция*

## МАТЕРИАЛАРИ

2024 йил 10 май

Бухоро – 2024

Илмий-амалий анжуман Бухоро тарихи, манбашунослиги, тарихшунослиги, археологияси, этнографияси, нумизматикаси, шаҳарсозлиги, маданият ва санъати соҳаларида амалга оширилаётган энг янги илмий натижаларни илмий жамоатчиликка етказиш, фан ва таълимнинг узвий боғлиқлигини кучайтириш мақсадида Бухоро давлат университетида **2024 йил 10 май** куни **“БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ” (ЭНГ ҚАДИМГИ ЗАМОНЛАРДАН ҲОЗИРГАЧА)** мавзусидаги Республикао микёсида илмий-амалий конференция белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўтказилди.

Ушбу илмий тўплам кенг илмий жамоатчилик, Бухоро тарихи билан қизиқувчилар, тарихчилар, магистрантлар ва талаба ёшларга мўлжалланган

### **Масъул муҳаррир:**

**БухДУ профессори, тарих фанлари доктори**

**Ҳ.Ҳ.Тўраев**

### **Таҳрир хайъати ва аъзолари:**

О.Х.Ҳамидов - Бухоро давлат университети ректори, и.ф.д., профессор  
Т.Х.Расулов - илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, ф.ф.д., профессор  
А.А.Болтаев - Тарих в юридик факультети декани, ф.ф.д., доцент  
Ф.У.Темиров - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси мудири, т.ф.ф.д (PhD) доцент  
С.И.Инояттов – Бухоро давлат университети профессори, т.ф.д.  
М.И.Ниязова - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.н  
М.Б.Қурбонова - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.н  
Ф.Ҳ.Бобожонова - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.н  
А.Ҳ.Болтаев - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.ф.д (PhD)  
Б.Б.Болтаев - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.ф.д (PhD)  
О.И.Ражабов - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси катта ўқитувчиси,  
Ш.Ў.Носиров – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси,

### **Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар:**

**Темиров Ф.У.** – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси мудири

**Умаров Б.Б.** – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси

**Носиров Ш.Ў**– Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси

Мазкур тўплам Бухоро давлат университети Илмий Кенгашининг 2024 йил 4 майдаги  
9 – сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

*Илмий-амалий анжуман материалларида ёритилган тарихий жараёнлар,  
маълумотлар, чиқарилган хулосалар, манба ва адабиётлар учун муаллифларнинг  
ўзлари масъул ва жавобгардир*

**6-ШЎЪБА. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ВА  
ХОРИЖДА БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ТАДҚИҚ  
ЭТИЛИШИ; ЯНГИ ИЛМЙ ТАДҚИҚОТЛАР, НАШРЛАР ВА  
ИЗЛАНИШЛАР**

**BUXORO NEFTNI QAYTA ISHLASH ZAVODI TARIXI MUZEYI FAOLIYATIDAN  
BIR LAVHA**

**Boltayev Bobir Baxtiyorovich**  
**Arxeologiya va Buxoro**  
**tarixi kafedrası t.f.f.d.(PhD)**

Yurtimiz katta intellektual salohiyat, tobora takomillashib borayotgan dehqonchilik va sanoat, ishlab chiqarish, qurilish va ulkan yer osti va yer usti boyliklari mavjud bo'lgan saxovatli zamin. Bu zaminda, olimlarning e'tirof etishicha, Mendeleev davriy jadvalidagi deyarli barcha elementlar mavjud. XIX asrning 60-yillaridan boshlab Turkiston xalqlari Chor Rossiyasi tomonidan istilo qilina boshlanadi. Bu esa uning yer osti va yer usti boyliklarining ayovsiz ravishda talon-taroj qilinishiga va o'zlashtirilishiga olib keladi. Dastlab Farg'ona vodiysidagi neft konlari o'zlashtirilib, aka-uka Nobellar tashkil etgan "Farg'ona oyl" rus korchaloni Pashkovning "Chimyon" va shunga o'xshash 20 dan ortiq firmalar tomonidan "qizil inqilob"ga qadar ming-minglab tonna xom ashyo chetga olib ketilgan.

Sho'rolar zamonida ham bu siyosat izchil davom ettirilib, g'arbiy O'zbekiston – Buxoro va Qashqadaryo mintaqasida 30-50-yillar mobaynida ko'plab neft va gaz konlari ochiladi. O'tgan asrning 60-yillarida Gazlida ulkan gaz konining ochilishi tufayli har yili 20-30 milliard kubometr "zangori olov" Buxoro – Ural gaz quvuri orqali Rossiyaga jo'natilgan. Uning yirik shaharlari, ishlab chiqarish korxonalari uchun ishlatilib, aholi xonadonlari gazlashtirilgan bo'lsa-da, o'sha paytda respublikamizning aholisi va xalq xo'jaligining atigi 20 foizi bu ne'matdan bahramand bo'lgani xolos.<sup>1</sup>

Minglab tonna neftimiz ham shu zaylda chetga olib ketildi. Muborak, Sho'rtan, Kultog', Zevarda, Alan, Pomuq, Ko'kdumaloq konlaridan qazib olingan neft va gaz xom ashyosi O'rta Osiyoning boshqa mintaqalarida olingan mahsulotlar bilan birga Markazga olib ketilib, qayta ishlangach, Bolgariya, Vengriya, Chexoslovakiya, Germaniya, Polsha va boshqa Yevropa davlatlariga sotilgan va foydasi, asosan, totalitar tuzum manfaati yo'lida xizmat qilgan. Kuni-kecha oltin, paxta, pilla, neft, gaz kabi bebaho boyliklari mutassil talanib, hatto arzimagan gugurtni ham chetdan tashib keltirishga mahkum etilgan, bir so'z bilan aytganda, sho'ro saltanatining "xomashyo ombori"ga aylangan, ko'p yillar mobaynida iqtisodiyotning asosini qoloq qishloq xo'jalik tashkil etib kelgan respublikamiz istiqlol tufayli o'zining taraqqiyot yo'lini tanlab bu yo'lda dadil odimlamoqda<sup>2</sup>

Mustaqillikning dastlabki kunlarida, O'zbekiston uchun eng ko'p chiqimli sohalardan biri don sotib olish bo'lsa, 2 million tonnadan ko'proq neft mahsulotlari xarid qililib, buning uchun davlat xazinasidan juda katta miqdordagi mablag' sarflangan. Aytish joizki, g'alla va neft mustaqilligi – Vatan taqdirini belgilovchi manba edi. Respublika hukumatining bu sohada tub burilish yasash, don va neft mustaqilligiga erishish uchun davlat dasturining ishlab chiqilishi tarixan qisqa davr ichida mamlakatimizni o'zini-o'zi don va neft mahsulotlari bilan to'la ta'minlashga qaratildi. Qorovulbozor tumanida neftni qayta ishlash zavodining qurilishi mamlakatimiz uchun tarixiy sharoit hosilasidir. Salkam uch oy davomida tegishli vazirlik va mutaxassislar tomonidan olib borilgan tahlillardan so'ng respublika hukumatining 1993-yil 3-

<sup>1</sup> Агзамов А. Современное состояние и перспективы развития нефтяной отрасли Республики Ўзбекистан / Минтақалар ташқи иқтисодий фаолиятини инновацион ривожлантиришнинг устувор йўналишлари номи Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. -Тошкент,2014. № II. - Б. 98- 100.

<sup>2</sup> Солиев Б. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи.-Тошкент: Алишер навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.-Б. 17-32

avgustda iqtisodiy mustaqilligimizni mustahkamlash, mamlakatni neft mahsulotlari bilan ta'minlashga xizmat qiluvchi – Buxoro neftni qayta ishlash zavodini qurish bo'yicha maxsus 389-sonli qarori qabul qilindi.<sup>1</sup>

Zavod qurilish ishlarida jahonning 10 dan ortiq mamlakatlaridan kelgan mutaxassislar ishtirok etdi. AQSH, Irlandiya, Shvetsariya qurilish firmalarining mutaxassislari shu davlatlarda ishlab chiqarilgan elektr uskunalarni montaj qilishdi<sup>2</sup>. Olma-ota termoizolyasiya tashkiloti esa bosma estakada orqali o'tadigan elektr tarmoqlari va quvurlarini o'tkazishdi. Hukumatimiz tomonidan qabul qilingan 1993-yildagi 389-sonli qaror bo'yicha tashkil qilingan guruh tomonidan dunyodagi eng yetakchi neft zavodlarni qurishda ixtisoslashgan firma va kompaniyalar faoliyati obdon o'rganildi<sup>3</sup>. Eng zamonaviy texnika va texnologiyalarni, fan yutuqlarini o'zida mujassamlashtirgan Fransiyaning "Teknip" firmasi tanlab olindi. Fransiyaning "TEKNIP", Yaponiyaning "Marubeni", "Jey-Ji-Si" kompaniyalari tomonidan konsorsium tuzildi. Loyihalarni amalga tadbiq etish uchun o'tkazilgan tenderda Turkiyaning yetakchi xalqaro pudratchilaridan hisoblangan "GAMA" firmasi g'olib chiqdi<sup>4</sup>.

Tantanali marosimda so'zga chiqqan Fransiyaning "Teknip" firmasi prezidenti P'yer Vayo cho'l bag'rida barpo etilgan ushbu inshootni o'zbeklarning XXI asr mo'jizasiga qiyoslab, o'tgan o'n olti yarim oy mobaynida misli ko'rilmagan bunyodkorlik, qurilish-montaj ishlari bajarilganligini e'tirof etdi<sup>5</sup>.

Yuqorida keltirilgan barcha fikrlar bugungi kunda faoliyat yuritayotgan neftni qayta ishlash zavodiga tegishli bo'lgan muzeyda o'z ifodasini topgan. Buxoro neftni qayta ishlash zavodi muzeyi dastlab, Buxoro viloyati Qorovulbozor tumani markazida joylashgan "Neftchilar madaniyat saroyida" 2007-yilning 24-yanvar kundan o'z faoliyatini boshlagan edi. Ushbu muzey birta katta xonadan iborat bo'lib, umumiy maydoni 75 m<sup>2</sup> ni tashkil etgan. Muzeydagi eksponatlar sonining ko'pligi, maket va jihozlarni namoyish etishga imkoniyatning chegaralanganligi, muzeyga tashrif buyuruvchi mehmonlar sonining kamligidan ham kuzatilsa bo'ladi.

Muzey 2022-yil avgust oyigacha shu tarzda faoliyat yuritib kelgan. Muzey direktori va tashkilotchilaridan Shukurov Azamat Komilovichning bir necha bor zavod rahbariyatiga muzey faoliyatini zamon talablaridan kelib chiqib, qayta tashkil etish to'g'risidagi qilingan murojaatlari keyinchalik o'z samarasini bera boshladi. Masalan, qaytadan tashkil etilgan muzey umumiy maydoni 120 m<sup>2</sup> ga etib, u uchta bo'limdan iborat qilib qayta tamirdan chiqarildi.

Birinchi bo'lim "Kirish" bo'limi deb atalib, Buxoro neftni qayta ishlash zavodining qurilishi va ishga tushurilishi tarixiga oid jarayonlar bilan bog'liq lavhalar va eksponatlardan iboratdir.

Ikkinchi bo'lim esa "Zavod faoliyati" deb nomlanib, zavodda faoliyat yuritib kelgan va kelayotgan na'munali va o'rnak bo'ladigan ishchi-xodimlarning ish faoliyatlari, ular erishgan yutuqlar va natijalar haqidagi fotolavhalar va turli xildagi diplom, faxriy yorliq, tashshakurnoma kabi hujjatlar namoyish qilingan.

Uchinchi bo'lim "Asosiy bo'lim" nomi bilan atalib, zavodning loyihasi tushirilgan maket va taqdimotda ishtirok etgan bugungi kundagi O'zbekneftgaz tashkilotining raisi Mexridin Razzoqovich Abdullayevning suratlari ham ko'rgazmadan kerakli joy egallagan. Hozirda muzeyda 100 dan ortiq eksponat 50 dan ortiq albom, 10 dan ortiq kubok va sovrinlar, zavodda ishlab chiqarilgan mahsulot uchun berilgan 15 ta sertifikat, 8 dona video monitor, 4 dona videoprojektor, 2 dona zavod loyihasi tasvirlangan maket hamda xuddi shu zavodda bugungi kecha-kunduzda ishlab chiqarilayotgan mahsulotlar: benzin, kerosin, salyarka kabi yoqilg'i

<sup>1</sup>O'zbekistan Respublikasi Prezidentining 21.08.2006 yil sanasidagi № PP-446-sonli qarori.

<sup>2</sup>Иванина И.Э. Управление устойчивым развитием предприятий нефтегазовой промышленности. -Ташкент, 2013.

<sup>3</sup>Халқ сўзи.1996 йил 16 декабр сони.

<sup>4</sup>Акромов В.Ш., Мавлонов А.В. XX asr neft geografiyasi // ToshDTU xabarlari, №3, 1999 y.

<sup>5</sup>Файзуллаев Ш.Н. Базовая отрасль экономики страны за 20 лет. Становление, динамическое развитие // Узбекский журнал нефти и газа. Спец.вып.-Ташкент, 2012. -С. 6-11.

turlaridan namunalar ekspozitsiyaga namoyish uchun qo'yilgan. Muzeyning zamonaviy tarzda qayta shakillanishida va yangicha ko'rinishga ega bo'lishida Buxoro neftni qayta ishlash zavodi "Axborot xizmati" markazi bo'limi boshlig'i Iroda Fatxulinaning xizmatlari juda katta ekanligini ta'kidlash lozim. Sababi zavodning ochilishi va faoliyati bilan bog'liq jarayonlar tasvirlangan fotolavhalar hamda maket va eksponatlarni yig'ishda aynan Iroda Fatxulina xizmatlari beqiyos. Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, muzey O'zbekiston Respublikasining iqtisodiy rivojlanishida eng asosiy o'rinni egallagan neft mahsulotlarini ishlab chiqarish tarixiga bag'ishlangan<sup>1</sup>. Bu soha tarixini o'rganish va sharaflı kasb faoliyatini keng yoritish hozirgi kunning asosiy vazifalaridan biriga aylanib bormoqda.

## **“РАХТЗАНОН” МАРОСИМИ ЭТНОГРАФИК ТАҲЛИЛИ (БУХОРО ВОҲАСИ МИСОЛИДА)**

**З.А.Шамсиева**

**Термиз давлат университети таянч докторанти**

**Тел:+998979075777**

Бухоро воҳаси никоҳ тўйи маросимлари тизимида бошқа воҳаларда учрамайдиган маросимлар, удумлар, расм-русумлар мавжуд. Фотиҳа тўйи дастурхони ёзилиши олдида киз уйида ўтказиладиган шундай маросимлардан бири-“рахтзанон” маросимидир. “Рахтзанон”-форс-тожик тилидан таржима қилинганда “рахтурди”, яъни “чизиқ қилиб терди” деган маънони билдиради.

Ахборотчиларнинг маълумотларига қараганда, Бухоро шаҳрида фотиҳа тўйи дастурхони ёзилишидан олдин “борбиёрон” ёки “тўйбиёрон” удуми, “рахтзанон” каби маросимлар ўтказилади. Фотиҳа тўйидан бир кун олдин келин уйига куёв оиласи томонидан бирор вакил томонидан (асосан, тоғаси ёки амакиси) 1 та қўй ва тўй дастурхони учун маҳсулотлар келтирилади.<sup>2</sup> Ушбу удум Бухоро шаҳрида “борбиёрон” деб аталади ва у республикамизнинг Қашқадарё воҳасида ҳам айнан худди шундай аталиши манбаларда қайд этилган.<sup>3</sup> “Борбиёрон” даврида келтириладиган маҳсулотлар хонадонларнинг иқтисодий аҳволига қараб фарқланади. Баъзи куёв хонадонлари тўй дастурхони учун барча ноз-неъматларни келтирса, баъзилар фақатгина ун, ёғ, шакар, гўшт каби асосий истеъмол маҳсулотларини келтириш билан чекланишади.<sup>4</sup> Бухоро вилоятининг Шофиркон<sup>5</sup>, Ёждувон<sup>6</sup> туманларининг айрим хонадонларида фотиҳа тўйидан олдин келтириладиган ушбу чорва ва истеъмол маҳсулотлари куёв томонидан келинга берилладиган “қалин” ҳисобида баҳоланар экан.

Айрим ахборотчилар эса, келтирилган чорва моли келиннинг онасига ҳадя қилинадиган “сут ҳаққи”(тож. “ҳаққи шир”) сифатида ҳисобланишини айтиб ўтишди. Ушбу маҳсулотларни қабул қилган келин хонадони вакили “бор”ни келтирган куёв қариндошига чопон(тож.”жома”) ва нон, ширинликларни миннатдорлик белгиси сифатида тортиқ қилади.<sup>7</sup>

Куёв вакили томонидан келтирилган “бор” қабул қилиб олинган, келин хонадонидан “рахтзанон” маросими ва фотиҳа тўйи учун тайёргарлик бошланади.

Фотиҳа тўйи кунда, “рахтзанон” маросимидан олдин куёв хонадони аёллари келиннинг уйига карнай-сурнай садолари остида келин учун тайёрланган сарполарни 4 та, баъзида 8 та лаълиларга солиб келтиришади. 1950-1960-йилларда, асосан, 4 та дастурхонда сарполар келтирилган бўлса, йиллар ўтиши билан келтириладиган

<sup>1</sup> Бухоро неftни қайта ишлаш заводи: Альбом-журнал. – Бухоро, 1997. - Б.7-8.

<sup>2</sup> Dala ma'lumoti. Buxoro shahri, Xo'ja Nurobod ko'chasi. 2023-yil.

<sup>3</sup> Тошева Г. Қашқадарё воҳаси никоҳ тўйи маросимлари.-“Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси” нашриёти.-Т.-Б.51.

<sup>4</sup> Dala ma'lumoti. Buxoro shahar, Mehtar anbar ko'chasi. 2023-yil.

<sup>5</sup> Dala ma'lumoti. Shofirkon tuman, Mirzoqul MFY. 2023-yil.

<sup>6</sup> Dala ma'lumoti, G'ijduvon tumani, Armechan MFY. 2023-yil.

<sup>7</sup> Dala ma'lumoti,. Buxoro tuman, Foshun MFY. 2022-yil.

Shuxrat Yodgorovich Qudratov. BUXORO AMIRLIGIDA TADBIRKORLIKNING IPAK VA TO'QIMACHILIK SOHALARI FAOLIYATIGA DOIR AYRIM MA'LUMOTLAR.....	435
Userbayeva Feruza Inoyat qizi, Kamoliddinov Farrux Burxoniddin o'g'li. BUXORODA JADIDCHILIK HARAKATINING NAMOYONDALARI (SADRIDDIN AYNII MISOLIDA) .....	437
Ergashev Suxrob Muxiddinovich. SOVET DAVRIDA BUXORO MAORIFI MASALASI ....	439
Д.Р.Норова. П.А. ГОНЧАРОВА “БУХОРО ЗАРДЎЗЛИК САНЪАТИ” КИТОБИ ХУСУСИДА.....	442
О.А.Исаев. СУРХОН ВОҲАСИГА АНДИЖОН, ФАРҒОНА ҲАМДА БУХОРО ВИЛОЯТЛАРИДАН КЎЧИБ КЕЛГАНЛАР ВА ҚУЛОҚ ҚИЛИНГАН ХЎЖАЛИКЛА ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ .....	443
Ризаев Бахтиёр Назарбоевич. БУХОРО ОБЛАСТИНИНГ ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ЕРЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИ.....	446
Utayeva Feruza Xolmamatovna. BUXORO TO'QIMACHILIK FABRIKASIDA KUTUBXONA, SPORT TO'G'ARAKLARI FAOLIYATI .....	448
Hayitov Shodmon Ahmadovich, Hasanova Habiba Yorqin qizi. BUXOROGA AVTOMOBIL, FUQARO VA HAVO TRANSPORTINING KIRIB KELISHI VA FLOTIYA TASHKIL ETILISHI TARIXIDAN .....	450
Қахрамон Кенжаевич Ражабов. “Пахтакор” стадионидаги тартибсизликлар ҳамда ўзбек ёшларининг таъқиб этилиши (1969 йил апрель – сентябрь).....	452
Murodova Dilrabo Shomurodovna. ARXIV HUIJATLARIDA BUXORO KONCHILIK VA GEOLOGIYA TEXNIKUMI FAOLIYATI.....	452
Haitov J.Sh. SOVET HOKIMIYATI YILLARIDA BUXORODA PAXTACHILIK TARMOG'INING RIVOJLANISHI (Buxoro viloyat davlat arxivi ma'lumotlari asosida) .....	461
Nasilloev Sunnat Shavkat o'g'li. O'ZBEKISTON SSRDA ILM-FAN SIYOSATI (OLIY TA'LIMDAGI 1943 YIL ILMIIY TADQIQOTLARI TADQIQOTLARI MISOLIDA.).....	463
M.B.Siddiqov. IKKINCHI JAHON URUSHI YILLARIDA HARBIIY XIZMATCHILARNING OILASIGA KO'RSATILGAN GAMXO'RLIK (BUXORO VILOYATI MISOLIDA).....	466

**6-ШЎҒБА. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ХОРИЖДА БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ; ЯНГИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР, НАШРЛАР ВА ИЗЛАНИШЛАР.....470**

Boltayev Bobir Vaxtiyorovich. BUXORO NEFTNI QAYTA ISHLASH ZAVODI TARIXI MUZEYI FAOLIYATIDAN BIR LAVHA .....	470
З.А.Шамсиева. “РАХТЗАНОН” МАРОСИМИ ЭТНОГРАФИК ТАҲЛИЛИ (БУХОРО ВОҲАСИ МИСОЛИДА).....	472
Асрор Пардаев. ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА АҲОЛИНИ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРЛИГАН ТАДБИРЛАР.....	474
М.Ў.Юсупова. БУХОРОДА НИШОНЛАНАДИГАН БАЙРАМЛАРНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР .....	478
Nafisa Hayotova Zakirovna. BUXORODA TARIXIY YODGORLIKLARINING HOLATI VA ULARNI TA'MIRLASH MASALALARI .....	481
Жўраев Шерали Фулом ўғли. ТАРИХ ИЛМИЙ БЎЛИМИДАГИ АРХЕОЛОГИК ЭКСПОНАТЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ .....	486
Qurbonov Bekjon G'ayrat o'g'li. BUXORODAGI MIR ARAB MADRASASI TARIXI VA BUGUNGI KUNDAGI FAOLIYATI.....	489
Tuyev Fazliddin Erkinovich, Tolibjonova Muxlisa Behzodjonovna. BUXORO VILOYATINING SOG'LIQNI SAQLASH SOHASINING ISLOH QILINISHI VA TASHQI ALOQALARI. (1998-2001-YILLAR). .....	492
Муртазина Д.Р., Муртазин Эмиль Рустамович. ИССЛЕДОВАНИЕ ИСТОРИИ БУХАРЫ: ПУТЕШЕСТВИЕ ЧЕРЕЗ ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ.....	494

**БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ**  
(Энг қадимги замонлардан ҳозиргача)

*мавзусида Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция*

**МАТЕРИАЛАРИ**

**2024 йил 10 май**

“Садриддин Салим Бухорий” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Адади 20 нусха. Ҳажми 522 бет. Формат А4. Буюртма 256. 2024 йил.